



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI

BUYRUQ

20 11 йил "14" 11

№ 311

Тошкент ш.

Тиббий огоҳлантиришлар ва
огоҳлантирувчи ёзувлар
матнини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида" 2011 йил 5 октябрдаги №ЎРҚ-302-сонли Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н

1. Ўзбекистон Республикасининг "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида" 2011 йил 5 октябрдаги №ЎРҚ-302-сонли Қонуни ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

- алкоголь идишининг ёрлигида жойлаштириладиган тиббий огоҳлантириш матни 1-иловага,
- тамаки маҳсулотининг қутисида (ўровида) жойлаштириладиган тиббий огоҳлантириш матни 2-иловага,
- тамаки маҳсулотининг қутисида (ўровида) жойлаштириладиган тиббий огоҳлантириш матнига талаблар 3-иловага;
- алкоголь маҳсулотлари реализация қилинадиган жойлардаги огоҳлантирувчи ёзувлар матнлари 4-иловага,
- тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойлардаги огоҳлантирувчи ёзувлар матнлари 5-иловага,
- алкоголь ва тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойлардаги огоҳлантирувчи ёзувлар матнлари 6-иловага,
- алкоголь ва тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойлардаги огоҳлантирувчи ёзувлар жойлаштириладиган плакатларга талаблар 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирликнинг ДПЁТББ бошлиғи Д.Б.Миразимов ва СЭНББ бошлиғи Л.Н.Гуйчиевга:

- Алкоголь идишининг ёрлиғида тиббий оғоҳлантириш матнини жойлаштириш учун “Ўзвинпром-холдинг” компаниясига;

- Тамаки маҳсулотининг қутисида (ўровида) тиббий оғоҳлантириш матнини жойлаштириш учун “Ёг-мой ва озиқ-овқат саноати” уюшмасига;


- Тиббий оғоҳлантиришлар матнларини алкоголь ва тамаки маҳсулотларига тегишли стандарт ва техник регламентларига киритиш учун Ўзстандарт Агентлигига ушбу буйруқнинг нусхаси ўз вақтида тақдим этилишини таъминласин ва уларнинг ижроси натижалари ўрганилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ўзмединфо» маркази директори М.В.Баймухамедовга ва “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш” газетаси бош муҳаррири ўринбосари И.Соатовага;

* - ушбу буйруқ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг веб-сайти ва “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш” газетасида белгиланган тартибда жойлаштирилсин.

5. Мазкур буйруқ ижроси назорати вазирининг биринчи ўринбосари А.В.Алимов зиммасига юклатилсин.

В а з и р



А.И.Икрамов